

UNIBEST



ISBN 978-9943-397-27-9



9 789943 397279

М. Абжалова (2-курс магистри)

ТИЛНИНГ СОФЛИГИ – МИЛЛИЙ БАРКАМОЛЛИК БЕЛГИСИ

Миллат тан бўлса, унинг руҳи тилдир. Миллий тил миллатнинг мавжудлик шартини ҳисобланади.

Аввало, шуни айтиш керакки, тилнинг софлиги нисбий тушунча. Зеро, ҳеч бир тил йўқки, тарихан ўз луғат таркибининг том маънодаги софлигини сақлаб келган бўлса. Фан-техника тараккиёти туфайли ўзбек тилига кириб келган шундай терминлар борки, уларни бошқа лексик бирлик билан алмаштиришнинг имкони йўқ. Мисол тариқасида *интернет, демократия, тест, компьютер, филология, монитор, машина* каби юзлаб сўзларни келтириш мумкин. Бу каби ўзлашмалар ўз моҳиятига эга бўлган байналмилал лисоний бирликлар ҳисобланади.

Давлат бор экан, адабий тил ҳам шаклланган бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тили даврлар оша ривожланиб, бойиб бормоқда. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали ҳозирги ўзбек адабий тилининг қадимги туркий тилнинг давоми эканини биламиз. Олим ўз асарида туркий тилни пойгада ўзиб бораётган улоқчи отга киёс қилади (I. 45 – 46). Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тиллар таснифини яратишида тилнинг софлиги принципига таяниши қадимдан миллий тилнинг меъёрий ҳолда истеъмолда бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинганидан далолатдир.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг энг муҳим йўли унинг софлиги, мусаффолигини таъминлаш, унда соф гапириш, равон ёзиш маданиятини шакллантиришдир. Ҳар қандай тил фан ва техника тараккиёти, давлатлараро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар туфайли муомалага кириб келган янги сўзлар, иборалар билан бойиб боради. «Сўз ўзлаштириш – мураккаб лисоний жараён. Сўз қабул қилаётган тил олинаётган сўзга фаол ва ижобий муносабатда бўлади, унга муносиб шакл ва маъно беради, уни қайтадан «тиклайди», ўзиники қилиб олишга ҳаракат қилади ва, ниҳоят, бунга эришади».¹ [1]. Ўзга тилга мансуб сўзни қабул қилган тил ўша сўзни фонетик ва семантик жиҳатдан мослаштиради ҳамда лисоний бирлик сифатида луғат таркибига киритади. Натижада ўзлашма сўз айна ўз ҳолича эмас, балки ўша сўзни қабул қилган тил вакиллари артикуляциясига биноан талаффуз қилинади. Нафақат ўзлашган сўзлар, балки соф ўзбекча сўзларнинг ҳам шева вакиллари томонидан турли фонетик ўзгаришлар билан ишлатилаётганининг

¹ Брагина А.А. Чужое – свое // Грамматика и норма. – М., 1971. – С.250.

гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ҳозирги пайтга қадар ҳам турли радио-каналлардаги бошловчиларнинг нуқсонли нутқларига дуч келамиз. *Бизани (бизнинг), суҳбатимизани (суҳбатимизни), аёллани (аёлларни), мавзуимиза (мавзуимиз), сиззи гапиззи (сизнинг гапингизни), халқимизада (халқимизда), гапирмийди (гапирмайди), мани этти дименг (мени айтди деманг), қаратқич келишиги (-нинг) билан тушум келишиги (-ни), жўналиш келишиги (-га, -ка, -қа) билан ўрин-пайт келишиги (-да) кўшимчаларининг ўрнини алмаштириб ишлатиш, шева нутқида сўзлаш каби иллатларга барҳам берилмаяпти. Ўйлаб қоласан киши, нега йўл қоидасини бузган кишига жазо ёки жарима бор-у, ўзбек адабий тил меъёрини бузган шахсга жазо ҳам, жарима ҳам йўқ. Ахир, тил софлиги миллий маънавият бойлиги эмасми?*

Бугунги кунда ОАВ турларидан тил софлигига путур етказишда етакчилик қилаётган радиоканаллардаги жонли эфирлар ҳар бир кишини чуқур ўйга солади. Публицистик услубда, яъни адабий тилнинг оммавий (шевалардан холи) мулоқот услубида олиб борилиши лозим бўлган радио ва телевидение эфирларидаги суҳбат ёки эшиттиришнинг тўлиқ ёки аралаш ҳолда шевада олиб борилиши, варваризмларнинг қўлланилиши, мантиксиз саволларининг берилиши, инверсия, яъни гап бўлаклари ўрнининг меъёрдан ортик даражада алмаштирилиши каби нуқсонларга бефарқ қаралмоқда. Кузатишлар натижасида радиобошловчиларнинг шевага ургу беришларининг сабаби эфирнинг жонли чиқиши ва халққа яқин бўлишни таъминлаш воситаси деб ҳисоблашлари сабаб қилиб кўрсатилаётгани аниқланди. Лекин халққа яқин бўлиш масаласига бундай ёндашиш узоқни ўйламай иш юритиш билан баробар. Сир эмас, Ўзбекистонда бир-биридан қайсидир жиҳати билан фаркланадиган шевалар талайгина. Ушбу шевалар муштараклигини таъминловчи тил эса ўзбек адабий тилидир. Юртимизнинг турли бурчакларига етиб борувчи радиотўлкинда маълум бир шеванинг устунлик қилаётгани бошқа бир шева вакилларининг ранжишига олиб келиши мумкин. Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай ёзади: «Биз Ватан туйғусини яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчасини ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур». Умуман олганда, жамоат жойларида, расмий идораларда, публицистик нашр ва мулоқотларда бу каби ҳолатларнинг юзага келишига сабаб мактабгача таълим, бошланғич ва ўрта таълим даргоҳларида адабий тил меъёрлари етарлича ўрганилмаётгани, хусусий нашрлар ва телерадиоканалларда шевалардан меъёрдан ортик фойдаланилаётганидир. Шунини алоҳида айтиш керакки, ҳар бир сўзни тўғри талаффуз қилиш ва тўғри ёзиш қоидаларини

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.91.

Ўқитувчи-педагоглар илмий равишда амалиёт билан ўқувчиларга ўргатишлари ҳамда кўникма ҳосил қилдиришлари лозим. Шундагина нутқда орфо-эпик, ёзувда орфографик хатоларга йўл қўйилмайди. Шунингдек, қуйида келтирилган ҳолатларга ҳар бир шахснинг, давлат органларининг жиддий эътибори натижасида тилимизнинг софлигини таъминлаш мумкин:

1) таълим масканларида фаолият олиб бораётган мутахассислар нутқи шевадан холи бўлиши;

2) ҳар бир шахснинг, соҳа мутахассисларининг «Давлат тили тўғриси»даги Қонунда белгиланган меъёрларга амалий эътибори ва уларга жиддий муносабатининг назоратда бўлиши;

3) расмий идораларда адабий тил қоидаларига риоя қилишнинг қатъий белгиланиши;

4) кўча ва хиёбонлардаги, метро ва автобус бекатларидаги шиор ҳамда лавҳаларда йўл қўйилган ва қўйилаётган хатолар учун жарима белгиланиши;

5) давлат тасарруфидаги, шунингдек, хусусий нашрларда манбани чоп этишда йўл қўйилган орфографик ҳамда стилистик хато ва камчиликлар учун меъёрий жавобгарликларга тортишни йўлга қўйиш;

6) адабий тил қоидалари бузилган ҳолатда бериладиган жарима ва жавобгарликлар устидан назоратнинг кучайтирилиши;

7) радио ва телевидениеда фаолият олиб боровчиларнинг нутқи ва дастурларнинг назоратига жиддий ёндашиш;

8) кенг жамоатчиликка тақдим этилаётган ёзма ва оғзаки матнларнинг мантикийлигига жиддий эътибор қаратиш.

«Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз»¹, – дея Юртбошимиз тил масаласининг долзарблигини таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.89.

Ҳар биримиз ўзбек миллати вакили сифатида она тилимизнинг софлиги учун курашсак, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз. Фуқаронинг фидойилиги ҳам шунда намоён бўлади. Она тилини ҳимоя қилиш Ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир.

Н.Абдурахмонова (2-курс магистри)

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА АВТОМАТИК ТАРЖИМАНИНГ ЎРНИ

1933 йилда кашф этилган лингвистик арифмометр муаллифи П.П.Смирнов Троянскийнинг машина таржимаси ҳақидаги дастлабки ғояларидан сўнг машина таржимаси тарихи ўтган аср 40-йиллари охирларида амалий фан йўналиши сифатида юзага келди. Назарий асосини тилни кодлаштирилган тизим сифатида илмий назария ташкил этди. Машина таржимасининг дастлабки илғор вакиллари математик ва муҳандислар бўлиб, бунга бевосита 1940 йиллар охирида АҚШда криптографик вазифаларни бажаришга мўлжалланган ЭВМнинг яратилиши асос бўлди. Машина таржимасининг юзага келиш санаси 1947 йил мартда криптографик мутахассис Уоррен Уивернинг Норберт Винерга машина таржимаси ҳақида ёзган хати билан белгиланади.

Машина таржимаси бўйича тадқиқотларнинг янги босқичи 70-йилларда бошланган, бунга компьютерни моделлаштириш сабаб бўлди ва у сунъий интеллект номини олди.

1978 – 1990 йиллар орасида АҚШ ҳукумати машина таржимаси учун 20 млн, Европа 70 млн, Япония 200 млн доллар сарфлади.

Машина таржимаси ривожланишига 2 та омил таъсир кўрсатди. Биринчиси, таржиманинг компьютерда моделлаштирилганлиги бўлса, иккинчиси, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бу тиллараро коммуникацияни таъминлаш имкониятини кенгайтиради.

Ўтган аср 70-йилларида тўпلام назарияси билан ишловчи ТМ (translation memoгу, «таржима хотираси») вужудга келди. Бунда асос сегмент (жумла) ва унинг таржимаси сақланиб қолади ва натижада лингвистик маълумотлар базаси ташкил топади. Шу йилларда собик Иттифоқда инглиз тилидан рус тилига таржима қилувчи АМПАР, АСПЕРА; немис тилидан рус тилига таржима қилувчи НЕРПА; француз тилидан рус тилига таржима қилувчи ФРАП, шунингдек, Stylus, Socrat каби таржима дастурлари яратилди.

90-йилларда машина таржимаси тарихида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бунга янги технологияларнинг кириб келиши ҳамда статистик метод, коннекционизм концепцияси, нейрон сетлардан фойдаланиш сабаб бўлди.